

ЖУМАНИЁЗ ОЛЛОҚУЛОВ

Жуманиёз Оллоқулов 1898 йил Хива шаҳрида йирик қорақўл савдогари оиласида таваллуд топган. Унинг оиласининг Амударё бўлими, Тўртқўл ҳудудида катта ерлари, қатор дўкону, тегирмонлари, новвойхона ва бошқа мулклари бўларди. Жуманиёзнинг ўзи эса хон саройида улғайди. Котиб бўлиб, давлат ва ҳуқуқий муносабатларнинг илму одобини обдон ўрганди. Хоннинг аташъеси сифатида ҳукумат тадбирларида



кўзи пишди, ёш бўлишига қарамай қатор учрашувларни ўтказишга раҳбарлик қилди. Жуманиёз Оллоқулов айна пайтда жаҳид тараққийпарварлари ғоялари билан ҳам танишиб, “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг фаолларидан бирига айланади. Большевиклар томонидан Хива хонлиги ағдарилгач эса “Ёш хиваликлар” ҳукуматида ХХРнинг Ташқи ишлар ноziри лавозимига тайинланди.

1920 йил ёзида В.И.Ленин раҳбарлигидаги совет ҳукумати Бобоохун Салимов бошлиқ Хоразм ҳукумати делегациясини Москвага таклиф этади. Делегация таркибида рус тилини мукамал биладиган ва айна пайтда ёш бўлишига қарамай катта тажрибага эга Жуманиёз Оллоқулов ҳам бор эди. Мазкур делегация ўз олдида улкан режаларни кўйган бўлиб, ХХР ва совет мамлакати ўртасида асосий шартнома ва келишувларни имзоланиши керак эди. Лекин, совет маъмурлари делегациянинг тарихий миссиясини йўққа чиқариш мақсадида моҳир дипломат Жуманиёз Оллоқулов Тошкентда тутиб олиб, уни туз савдоси билан шуғулланган деган сохта айблов асосида қамоққа олиб йўлдан қолдириб юборишга эришади.

Жуманиёз Оллоқулов кейинроқ айбсиз деб топилиб, яна Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати таркибида ишлай бошлади. Бироқ, советлар Хоразм истиқлоли учун курашга жонини тиккан “Ёш хиваликлар” ҳукуматига бир муддат бўлсин эркин ишлаш имконини бермади. Хоразм МИК раиси Отамахсумнинг ўз жонига қасд қилиши баҳонаси билан бир гуруҳ ҳукумат

аззолари қаторида Жуманиёз Оллоқулов ҳам сохта айбловлар билан отувга ҳукм этилади. Сўнг ҳукм 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Кейинроқ бутунлай айбсиз эканлиги исботланди. Бироқ, Жуманиёз Оллоқулов совет ҳукуматининг қора рўйхатидан умрбод ўрин олди. Хоразм Халқ Республикаси тугатилганидан сўнг бир муддат ишсиз юрган Жуманиёз Оллоқулов Файзулла Хўжаев томонидан ЎзССР ХКС референти лавозимига ишга олинади.

Жуманиёз Оллоқуловнинг укаси Иброҳим Оллоқулов ҳам ниҳоят иқтидорли, ватанпарвар йигитлардан эди. У 1923-25 йилларда Самарқандда, сўнг Москвадаги Темирязов номидаги қишлоқ хўжалиги Академиясининг кимё факультетига ўқишга киради. Иброҳим тез орада ўзбек ёшлари орасида ўзининг юксак маданияти билан танилиб улгуради. 1927 йил Иброҳим Оллоқулов Москвада комсомол ташкилотининг ичидаги шовунистик кайфиятдаги кимсалар томонидан ўлдириб кетилади.

Она юрт соғинчи ва миллат эртаси ғами ёшларни бирликка, маслакка ундарди. Шу туфайли Бекжон Раҳмон, Жуманиёз Оллоқулов, Давлат Ризаев, Карим Болтаев каби кўплаб Хоразм ёшлари ҳали Москвада, ҳали Самарқандда, ҳали Тошкентда учрашиб турар эди. 1937 йил 16 июн куни Давлат Ризаевнинг кенжа қизининг туғилган куни муносабати билан Жуманиёз Оллоқулов қизини олиб уникага меҳмонга келади. Бу уларнинг сўнгги учрашуви бўлиб қолди. Икки ватандош ош атрофида Москвадаги талабалик даври хотиралари, яқиндагина Хивага етиб келган темир йўл, Туямўйин сув омборининг қурилиши ҳақида узоқ суҳбат қурдилар. Ширин суҳбат тунни тонгга улади совет қурилишларининг халқнинг иқтисодий равнақига хизмат қилиши, асрий орзуларининг ушалаётгани ҳақида ҳам кўп гаплар бўлди. Бироқ, иккаласининг ҳам кўнглидан кечаётган кўрқув аримади, нимагадир олдиндаги даҳшатларни сезар, аммо асло айта олмас эди...

1937 йил 11 июл куни ЎзССР ИИХК Загвоздин идоранинг 4-бўлими ходими Агабеков томонидан тайёрланган қарорни тасдиқлади. Унга кўра Жуманиёз Оллоқуловни аксилинқилобий тарғибот олиб борган деб, ЎзССР

ЖКнинг 66 – моддаси биринчи қисми билан айблайди. Жуманиёз Оллоқулов шу куннинг ўзида иш жойидан қўлига кишан уриб олиб чиқиб кетилади. 1937 йил 12 июл куни унинг хонадони Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 40-уйда тинтув ўтказилади. Унга тегишли барча мол-мулклар хатга олиниб, олиб чиқиб кетилади.

Жуманиёз Оллоқуловнинг ишида фақат сўроқ ўтказилган жойлар, вақти ва сўроқ олиб борган кимсаларнинг номлари акс этган варақаларгина мавжуд. Жумладан, 1937 йил 13 июлдан 14 июлга ўтар кечаси соат 23 55 дан 2 40 гача 74-хонада Криллов, 16 июлдан 17 июлга ўтар кечаси соат 23 55 дан 2 40 гача 77-хонада терговчи Агабеков, 17 июл куни соат 13 40 дан 17 30 гача терговчи Борженко, 1937 йил 30 декабрь куни соат 3 30 дан 6 30 гача 179-хонада терговчи Абрамянц, 1938 йил 3 январь куни соат 4 00 дан 4 40 гача 175-хонада терговчи Акжигитовлар томонидан тинимсиз сўроқ-суруштирувлар олиб борилгани баён этилган. Бироқ, ишга бирорта сўроқ баённомаси тикилмаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, терговчилар уни қанчалик исканжага олишмасин Жуманиёз Оллоқулов ўзига тақдим этилган тўхмат ва бўҳтонлар битилган қоғозларнинг ҳеч бирига имзо чеккан эмас.

Жуманиёз Оллоқуловнинг иши унинг турмуш ўртоғи Аллақулова Зоя Александровнанинг аризаси асосида қайта кўриб чиқишга топширилади. Ҳатто, 1957 йил феврида туман ЗАГС идорасидан унга Жуманиёз Оллоқуловнинг 1946 йил ноябрь ойида жазони ўташ вақтида ўпка шамоллашидан вафот этганлиги ҳақидаги сохта маълумотнома тақдим этилди. Ваҳоланки, 1937 йил 11 июлда қамоққа олинган Жуманиёз Оллоқулов, 1937 йил 9 декабрда “учлик” томонидан суд қилиниб, бирорта айби исботланмасдан отувга ҳукм этилган ҳамда ноҳолис ҳукм 1938 йил 7 январь куни махсус махфий объектда ижро этилган эди.

1957 йил 5 март куни халқимизнинг оташқалб фарзанди, ажойиб ватанпарвар инсон Жуманиёз Оллоқулов СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланди.

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби (55-58 бет)